

Намуна

1. КИРИШ КИСМИ

«_____»нинг пишик гишт ишлаб чикаришни ташкил этиш лойихасининг бизнес-режаси, узининг асосий иш фаолияти булган, курилиш материаллари ишлаб чикаришни ташкиллаштириш, халкимизни курилиш махсулотларига булган эхтиёжини янада кондириш ва муътадил ишлаб чикаришни ташкиллаштиришни асослаш максадида такдим этилмоқда.

«_____»нинг асосий фаолияти:

- Курилиш материаллар ишлаб чикариш.
- Ишлаб чикариш ва фукароларнинг уй-жой объектларини тузатиш ва куриш, хар хил объектлар ва ускуналарни монтаж ва ишга тушириш ишлари.
- Ташки иктисодий алока фаолияти.

Банк реквизити

Х\Р _____

МФО _____ ИНН: _____

Кашкадаре вилоят «_____» банк булими

2. ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАКСАДИ ВА ЙУНАЛИШЛАРИ.

«_____» узининг асосий иш фаолияти булган, пишик гишт махсулотларини ишлаб чикаришни амалга оширишдан максоди халкимизни сифатли курилиш махсулотлари билан таъминлаш ва аҳолини ва ташкилотларни ушбу махсулотларга эhtiёжларини янада кондириш.

Лойиханинг умумий киймати 30131148 сумни ташкил этади Лойиха ташаббускорининг асосий максоди пишиг гишт ишлаб чикаришни мулжалланмоқда. Ушбу махсулотлар бозорида вужудга келган шароит, яъни арзон нархдаги, юкори сифатли ишлаб чикарилган курилиш махсулотларига талабнинг катталиги, бундай қарорни қабул қилишга асос булди.

Виложат курилиш махсулотлари бозорини, юкори сифатли, нархи арзон, маҳаллий ишлаб чикариладиган махсулотлари билан тулдириш, лойихани ижобий амалга оширилиши натижасида олинадиган фойдани эса, ишлаб чикаришни кенгайтиришга йуналтиришга ички имконият яратиб беради.

3. ЛОЙИХАНИНГ МАКСАДИ.

Ушбу лойихани амалга оширишдан мақсад, пишик гишт ишлаб чикаришни ташкиллаштиришни асослашдир. Курилиш материаллари асосан, лойиха ташаббускорининг асосий иш фаолияти булган қайта ишлаб чикаришда хом-аше сифатида фойдаланилади.

Лойиха ташаббускорининг, лойихани амалга оширишдан максоди қуйидаги сабабларга қура:

- махсулот таннархининг юкори эмаслигига нисбатан капитал харажатларнинг тезда узини қоплай олишлиги,

- хом-ашени етказиб берувчилар ва тайер махсулотларни сотувчи каналларнинг ташкиллаштирилганлиги ва етарли даражада тажрибага эга эканлигидан, лойиханинг мақсадга мувофиқлигини қурсатади.

Хом-ашени етказиб берувчилар ва ишлаб чикариладиган тайер махсулотларнинг потенциал харидорлари билан лойиха ташаббускорининг уртасида, ушбу лойиха буйича олиб борилган музоқаралар, уларнинг лойиха буйича ҳамқорлик қилишга жуда катта қизиқиши ва истаги борлигини қурсатди. Худудий қулай жойлашганлиги, ҳамда ишлаб чикарилган тайер махсулотлар харид бозорининг кенглиги сабабли, лойихани амалга ошириш учун жуда яхши имконият яратилади.

4. БОЗОР ВА МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ.

Карши шаҳри ҳудудида саноат корхоналари, қурилиш трестлари ва ташкилотлари қупчиликни ташкил этади.

Шунинг учун вилоятимизда ички ва ташқи истеъмол бозорларининг талабига, сифати жихатидан тулик жавоб берадиган қупайтириш билан ишлаб чиқаришни муътадил ташкил этиш, мақсадга мувофиқ булади.

«_____»нинг рақобатга қучлилиги томони, биринчи навбатда бозордаги талабнинг узғаришига тезда мослашиш хусусиятининг умумийлиги билан белгиланади. Юқорида қайд этилган хусусиятга қура, амалга ошириладиган лойиҳанинг, биринчи навбатда, тушаётган талабга қараб, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ассортиментини ва номенклатурасини қиска муддат ичида узғартириш, мослаштириш, маҳсулотларни етиштиришда, ички харажатларининг пастлиги, рақобатга бардош бериш имқониятига эга булишини қафолатлайди.

5. СОТИШ ПРОГРАММАСИ

Ташкил этиладиган цехларида қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, вилоятимизда ва бошқа вилоятлар ҳудудида жойлашган истеъмолчилар билан тугридан-тугри тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Сотиш программаси стратегияси, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати, турига булган талабни ҳамма вақт урганиш, бозор шароитини узғаришига тезда мослашиш, ҳамда, юқорида қайд этилган фикрлардан қелиб қикқан холда, тайер маҳсулотга нархнинг тез мослашувчи тактикаси белгиланади.

6. ЛОЙИХА НАРХИ.

Лойиҳанинг умумий нархи 30131148 сумни ташкил этади. Айланма капитал учун 843648 сумни ташкил этади.

Лойиҳани амалга ошириш учун, лойиҳа ташаббусқори томонидан қурилиш ишлари, пишиг гишт ишлаб чиқарувчи асқоб-уқуналарнинг бир қисми, маҳсуқ қурилмалар ва ишга тушириш ишлари ва хом-аше билан таъминлаш режалаштирилган. Банк қредит маблагини микқори 5000000 сум, қолган технологик линияни сотиб олиш учун режалаштирилган.

6.1 тақблицада, лойиҳа нархини аниқ қурсатилган.

Лойиҳанинг умумий нархи

Жадвал 6.1.

№		Лойиха ташаббускори улуши (сум)	Банк улуши (сум)	Умумий миқдори (сум)
1.	Бино	3750000	0	3750000
2.	Асбоб-ускуна ва махсус курилма	10000000	5000000	15 000 000
3.	Транспорт	7500000	0	7 500 000
3.	Хом-аше	843648	0	1 000 000
4.	Асбоб-ускунани ишга тушириш	3000000	0	3 000 000
5.	Гаровга куйиладиган мулкнинг сугурта тулови (0,5%)	37500	0	37500
	ЖАМИ	25131148	5000000	30131148

Кредитнинг таъминоти сифатида 7500000 сумлик асосий воситалар такдим этади.

Лойихада ҳисоб-китоблар учун қабул қилинган кредит шартлари

1. Кредит миқдори – 5000000 сум
2. Қайтариш муддати – 12 ой.
3. Имтиёз даври – 0 ой
4. Йиллик фоиз ставкаси – 24 %
5. Кредитни епиш – 6-ойдан кредит суммасини тенг баъдаллар билан тулик қайтариш.
6. Кредит маблағини 100% пул қучириш йули билан олинади.

7.1 ИШЛАБ ЧИКАРИШ ПРОГРАММАСИ

Ишлаб чиқариш режаси.

Ишлаб чиқариш режаси ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар номенклатураси, ишлатиладиган хом-аше ва материаллардан, ҳамда курсатиладиган хизматлардан келиб чиққан ҳолда тузилди.

Корхонада 1 сменалик иш режими, ҳафтада 6 иш кунлик ташкиллаштириш режаланган. Йил 335 иш кунидан иборат.

Ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш учун асбоб-ускуналар, транспорт воситаси ва 2 ойлик хом-аше сотиб олинади.

. Бир кунда жами 10000 дона, 1 ойда 240000 дона пишик гишт ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Куйидаги жавдалда 10000 дона пишик гишт ишлаб чиқаришга килинадиган материаллар харажати аниқ курсатилган.

Жадвал 7.1.1.

№	Харажатлар номи	Улчов бирлиги	Хажми	Бирлик нархи (сум)	Жами (сум)
1.	Тупрок	т	36	730	26280
2.	Кушимча махсус тупрок	т	4	1200	8800
3.	Сув	куб	0,4	180	72
	Жами	XXX	XXX	XXX	35152

Жами бир иш кунида 10000 дона пишик гишт ишлаб чиқаришга, 35152 сумлик материаллар ишлатилади. 1 ойда 843648 сумга тенг.

1 дона пишик гишт ишлаб чиқаришга материаллар харажати 3,52 сумга тенг.

АМОРТИЗАЦИЯ

Солик кодексида асбоб-ускуна учун амортизация чегирмаси микдори 15%, бино ва иншоатларга 5%, транспортга 15% белгиланган.

№		Киймати	Йиллик амортизация микдори %	Йиллик амортизация суммаси (сум)
1.	Бино	3750000	5	187500
2.	Асбоб-ускуна	15000000	15	2250000
3.	Транспорт	7500000	15	1125000
	ЖАМИ			3562500

Йиллик амортизация чегирмаси суммаси 3562500 сумни ташкил этади.

1 ойда амортизация чегирмаси 296875 сумга тенг.

1 кунлик амортизация чегирмаси 12369,8 сумга тенг

1 дона пишик гишт ишлаб чиқаришга амортизация чегирмаси 1,24 сумга тенг.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ХАРАЖАТЛАРИ.

Бир кунда 700 кВт э/энергия сарф харажат килинади. 1 кВт э/энергиянинг нархи 15,7 сумга тенгдир. Бир кунда э/энергия сарф харажатлари суммаси 10990 сум, 1 ойда 263760 сумга тенгдир.

1 дона пишик гишт ишлаб чиқаришга кетадиган ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ харажати 1,1 сумга тенг.

ТРАНСПОРТ ХАРАЖАТЛАРИ

Лойихани амалга оширишда режага кура «КАМАЗ» автомашинаси, эксковатор, бульдозер узида мавжуд. Лойиха ташаббускорининг транспорт харажати, транспорт воситасининг екилгисини олишга кетадиган харажатларидан ташкил топади.

Тонна /километр хисобидан харажатлар чикарилади. Керакли хом-ашени тошиб келишга транспорт воситалари 10 км масофадан йул юради. Кутариш хажми 1 рейсда 12 тоннани ташкил этади. Бугунги кундан 1т/км га 100 сумдан хисоб-китоб килинади.

$12т*10км*100сум=12000$ сум. 1рейсининг тупрок олиб келиш таннархи 12000 сумга тенг.

1 кунда 3 рейс булиши режалаштирилган. 1 кунлик транспорт харажати микдори 36000 сумни ташкил этади.

1 дона пишик гишт ишлаб чикаришга кетадиган транспорт харажати 3,6 сумга тенг.

ТАБИИЙ ГАЗ.

Бир кунда 3500 куб табиий газ харажат килинади. 1 куб табиий газнинг нархи 22,1 сумга тенгдир. Бир кунда табиий газнинг сарф харажатлари суммаси 77350 сум, 1 ойда 1856400 сумга тенгдир.

1 дона пишик гишт ишлаб чикаришга кетадиган табиий газ харажати 7,74 сумга тенг.

ТАШКИЛИЙ РЕЖА

Лойихани амалга оширишдан, янги 15 иш урни яратилади. Жамият маъмуриятининг иш хакидаги харажатлари, жамиятнинг бошка фаолиятидан копланнади.

Пишик гишт ишлаб чикариш цехининг иш хаки фонди.

Жадвал 7.1.2.

	Штат номи	Штатлар сони	Штат оклади (сум)	Бир ойлик иш хаки (сум)	Йиллик оклад (сум)
1.	Цех бошлиги	1	25000	25000	300000
2.	Электрик	1	7500	7500	90000
3.	Ишчилар ва хайдовчилар	13	30000	390000	4680000
	Жами	15		422500	5070000
	40% чегирма	XXXX		169000	2028000
	ЖАМИ	XXXX		591500	7098000

Жами 1 ойлик иш хаки 40% чегирма билан 591500 сумни ташкил этади. 1 кунлик иш хаки 40% чегирма билан 24645,8 сумни ташкил этади.

1 дона пишик гишт ишлаб чикариш учун ишчи кучи харажати 2,46 сумни ташкил этади.

БОШКА ХАРАЖАТЛАР.

Бошка харажатларга, 1 ой ичида пишик гишт ишлаб чикариш учун, 1 кунда хом-ашега килинадиган умумий харажатлар микдорининг 10 % олинади. Бу 3515,2 сумга тенг.

1 дона пишик гишт ишлаб чикариш учун бошка харажатлар 0,35 сумни ташкил этади.

1 дона пишик гиштнинг калькуляцияси

Жадвал 7.1.3.

№	Харажатлар номи	Микдори (сум)
1.	Материаллар	3,52
2.	Амортизация	1,24
3.	Иш хаки	2,46
4.	Э\Энергия	1,1
5.	Транспорт харажати	3,6
6.	Табиий газ	7,74
7.	Бошка харажатлар	0,35
	Жами таннарх	20,0
8.	Фойда 45%	9
9.	Сотилиш нархи	29

1 дона пишик гиштнинг сотилиш нархи 29 сумга тенг.

Йил давомида ишлаб чикариладиган 2880000 дона пишик гиштарнинг таннархи 57600000 сумни ташкил этади.

8. Солик туловлари ва чегирмалар.

«_____»нинг Солик тулови тури, даромаддан ягона солик тулови булиб, микдори тушадиган тушумдан 12%га тенг.

Йил давомида цехнинг ишлаб чикарилган махсулотларидан умумий даромад микдори 83520000 сумни ташкил этади.

Умумий солик микдори йил давомида 10022400 сумга тенг.

9. МОЛИЯВИЙ РЕЖА

Бир йилда лойиха ташаббускори томонидан 2880000 дона пишик гишт ишлаб чикарилади..

Кейинги жадвалга биз янада очикрок куриб чикамиз.

Жадвал 9.1

№	Сотиладиган	Улчов	Микдори	Нархи (сум)	Суммаси (сум)
---	-------------	-------	---------	-------------	---------------

	махсулотлар номи	бирлиги			
1	Пишик гишт	Дона	2880000	29	83520000
	ЖАМИ				83520000

Умумий даромад йил давомида **83520000** сумни ташкил килди.

Банк кредитини фоизи билан кайтариш схемаси.

Жадвал 9.2

№	Кайтариш даври	Кредит суммаси	Кредит фоизи 24%	Кредитни кайтариш суммаси	Умумий Тулов суммаси
1	0 йил	5000000	--	--	--
2	6 -ойда	5000000	600000	2500000	3100000
3	12-ойда	2500000	300000	2500000	2800000
	ЖАМИ	X	900000	5000000	5900000

Молиявий режа схемаси

Жадвал 9.3

№	Курсаткичлар номи	1йилда (сум)
1	Пул тушуми	83520000
2	Солик даромаддан 12 %	10022400
3	Харажатлар	57600000
4	Даромад	15897600
5	Банк фоизи	900000
6	Кайтариладиган кредит суммаси	5000000
7	Банк дебет обороти 0,3%	250560
	Йул фонди чегирмаси 1% даромаддан	835200
8	Пенсия фонди чегирмаси 0,7% даромаддан	584640
9	Соф фойда	8327200

Лойихани тулик амалга оширишдан, лойиха ташаббускори хар йилига уртача 8327200 сум соф фойда билан чиқади.

10. ХУЛОСА.

Ушбу лойихани тақдим этишдан олдин, лойиха ташаббускори томонидан, лойихани амалга оширишда таъсир курсатадиган ҳамма факторларни эътиборга олиб, чуқур таҳлил этилди.

Келтирилган молиявий курсаткичлар натижалари, ички бозордаги шароитни ва мумкин булган хатарлар ва бошқа факторларни эътиборга олиб килинган таҳлил натижасида лойихани амалга оширишда, лойиха ташаббускори томонидан курсатилган барча тадбирларнинг самаралилиги ва ҳаётийлиги тугрисида хулосага килинади.

Ушбу лойихани амалга оширилиши, лойиха ташаббускори фикрини ҳаётга татбиқ этишга, вилоятимиз иқтисодий потенциалини ривожлантиришга, ҳамда Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислохатларга уз улушини кушишга имкон яратилади.

М У Н Д А Р И Ж А.

1. КИРИШ КИСМИ.
2. ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАКСАДИ ВА ЙУНАЛИШЛАРИ.
3. ЛОЙИХАНИНГ МАКСАДИ.
4. БОЗОР ВА МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ.
5. СОТИШ ПРОГРАММАСИ
6. ЛОЙИХА НАРХИ.
7. ИШЛАБ ЧИКАРИШ ПРОГРАММАСИ
8. СОЛИК ТУЛОВЛАРИ ВА ЧЕГИРМАЛАРИ
9. МОЛИЯВИЙ РЕЖА
10. ХУЛОСА.

«ТАСДИКЛАЙМАН»

«_____»
бош директори

«Пишик гишт ишлаб чиқариш цехи»ни
ташкиллаштириш лойхасининг

БИЗНЕС-РЕЖАСИ

Қарши ш – 2004 йил